

ZOOVETERINARIYA

Ilmiy-ommabop *tabor* jurnal



Х,ар бир раҳбар одамларнинг дардига қулоқ солиши, муаммоларини х,ал қилиши, бир сўз билан айтганда, уларни рози қилиш ташвиши билан ишлаши керак. Шунда уларнинг давлатга, келажакка ишончи ортади. Маҳаллаларни обод қилиб, халққа барча қулай шароитларни яратиш бу борада муҳим аҳамиятга эга.

Шавкат Мирзиёев



2017

5 (114)
май

ISSN 2091-554-3

3-бет

Президент шижоати

халкни

қувонтирмоқда

5-бет

"Олтин тулпор"

муборак

20-бет

Иммуности-

муляторлар

24-бет

Бруцеллёздан

ого* бўлинг

28-бет

"Бромолон" -

кемирувчиларга

қарши

41-бет

Соя - хосияти

бекиёс

45-бет

90 ёш

муборак

Тахрир *айъати раиси
Б. Сайиткулов - в.ф.н.

Тахрир х.айъати:

Ш. Акмалхонов - академик
Ж. Азимов - академик
Б.Зарипов - академик
С. Азимов - профессор
Р. Давлатов - профессор
Н. Иўлдошев - в.ф.н.
И. Маматкулов - профессор
У. Носиров - профессор
К.Норбоев - профессор
Б. Норкрбилов - ДВББ
А. Орипов - профессор
Х. Салимов - профессор
Б. Салимов - профессор
Ш. Умаров - кхф.Д.
Н. Бобокулов - профессор
С. Юсупов - профессор
А. Захаров - профессор
Д.Ёрматова - профессор
Ш.Жабборов - в.ф.н.
Х.Ниёзов - в.ф.н.
Д.Пирназаров - ЧНИБДИ

Бош мух.аррир вази фасини бажарувчи:

Абдунаби АЛИКУЛОВ

Мух.аррир (рус тили):

Владимир ДУБОВ

Мух.аррирлар:

Чори БАДАЛОВ

Мактуба МУМИНОВА

Мусах^их:

Гулсара САИИТКУЛОВА

Дизайнер:

Хусан САФАРАЛИЕВ

2007 йил сентябрдан чоп этилмокда

Лойиҳа ташаббускори ва раҳ.бари:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ.

ва сув ҳўжалиги вази рлиги

х.узуридаги

Давлат ветеринария бош
бошкармаси

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ.

васувҳўжалиги вази рлиги

хузуридаги

Давлат ветеринария бош
бошкармаси

Ўзбекистон Фермерлари Кенгаши,

«AGROZOOVETSERVIS»

масўулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот

агентлигида 2010 йил 31 декабрда

0284-рақам билан рўйхатга олинган

Манзил: 100070, Тошкент шаҳри,

Усмон Носир, 22 А/Я: 5628.

Тах.рият манзили: 100084, Тошкент

шаҳри, Халқобод 4-тор, 4-уй

Тел.: + (99895) 170-22-35

(0371)234-77-22

Web-sait: www. vetjurnal.uz

E-mail: zooveterinariya@mail.ru

Адади 4830.

Нашр индекси: 1162

Босишга рухсат этилди: 06.05.2017.

Бичими 60x84¹/₂. Офсет усулида чоп

этилди. 6,0 б.т. Буюртма №230

Бахрси келишилган нархда.

© Zooveterinariya, #05 (114) 2017

Гар Г

Фур Гулом номидаги нашриёт-

матбаа ижодий уйи босмахонасида

чоп этилди.

Манзил: Тошкент ш., Лабзак кучаси, 86-уй.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Янги давр нафаси

А.Аликулов-Президент шижоатиэлникиувонтирмокда.....3

Жараён

А.Эргашев - Ветеринариянинг Биринчи конференцияси
ва "Олтин тулпор" танлови.....5

Она Ватанимизни Яратганнинг ўзи асрасин

Н.Эргашев - Боболару оталар руҳи бизни қўлласин.....8

Жараён

А.Ш. Алимарданов - Буфер ҳудудлар ветеринария назоратида.....9

Ч.Бадалов - Наслчиликни такомиллаштириш - фаровонлик омили.....10

ВЕТЕРИНАРИЯ ТИББИЁТИ

Юкумли касалликлар

Г. Х. Мамадуллаев, А. С. Тўраев - М. Tuberculosis №4149
штаммнинг туберкулоз статик препаратга нисбатан монорезистентлиги
ва сезувчанлиги.....11

Р.Ф. Рўзикулов, Д.М. Болтаев - Қрракўл қўзиларининг ичак
бактерияларига қдрши табиий ва сунъий иммун хусусиятлари.....14

Паразитар касалликлар

В.М.Дўскулов, А.Г.Гафуров - Тейлериоз қўзғатувчиси theileria
annulata ни криоконсервация қилишусули.....17

Юкумсиэ касалликлар

Ю.Салимов, ХХатамов - Иммуностимуляторлар ва уларни
ветеринария амалиётда қўллашнинг ахамияти.....20

Акушерлик ва гинекология

Б.М.Эшбўриев ва бошқ. - Сигирларда эндометритларнинг турлари
ва кечиш хусусиятлари.....22

Зооантропоноэ касалликлар

А.А.Акбаров, И.Х. Маматкулов и др. - Краткая история изучения
и перспективы борьбы с бруцеллёзом человека и животных.....24

Фармакология ва токсикология

М.Ш.Мирзаев и др. - Эффективность «Бромолон» против грызунов.....28

Д.Ибрагимов - Токсикологическая характеристика ферулена.....29

Б.Ф.Муртазин ва бошқ. - Моллар пуштсизлигининг олдини олишда
биологик препаратларнинг ахдмияти.....32

ЧОРВАЧИЛИК

Наслчилик

И.Л.Эшматов - Чорвачиликда селекция-наслчилик ишларини
яхшилаш йўллари.....35

Цоракўлчилик

Ж.Х.Ибрагимов - Турли рангдаги қрракўл қўзилари гўшт
мах^исулдорлигининг шаклланиш хусусиятлари.....37

Пиллачилик

Ш.Умаров ва бошқ. - Ипак қуртининг янги усулда тайёрланган
элита популяциясида ҳаётчанлик ва махсулдорлик белгиларининг
киёсий тахлили.....39

Озуқа

Д. Ёрматова - Соя дони ва ундан озуқа сифатида фойдаланиш.....41

Б.Бскчанов, Т.Мукимов - Қўл озуқабоп ўсимлик навларининг
ҳўжаликбоп хусусиятларига, тупровда турли усулларда ишлов
беришнинг таъсири.....43

Табрик

Қрракўлчилар устоэи.....45

Саодатли90 ёш.....45

Эл эъозиддаги ветеринар.....45

Малакали соха фидойиси.....46

Хотира

Устоз хотираси абадийдир.....46

Муштарийлар ижодидан

Х.Худойбердиева.....47

Хўжа Абдор.....47

Ақд чархи

Кроссворд.....48

СИГИРЛАРДА ЭНДОМЕТРИТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА КЕЧИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация

В этой статье приведены данные о видах и течении эндометритов у коров.

Summary

This article presents data on the types and flow of endometritis in cows.

Калит сузлар: тухумдон, бачадон касалликлари, бачадон атонияси, бачадон субинволюцияси, эндометритлар, пиометрит.

Мавзунинг долзарблиги. Сўнгги йилларда мамлакатимизда чорва моллари бош сонини кўпайтириш, уларнинг зотини яхшилаш, махсулдорлигини ошириш, зооветеринария хизматлари сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қўйилмоқда. Уларни самарали бажаришга қорамолчилик фермер хўжаликларида парваришланаётган сигирлардаги гинекологик касалликлар, шу жумладан, бачадон яллигланиши касалликлари муаммолар келтириб чиқармоқда.

Сигирларда учрайдиган эндометритлар оқибатида қорамолчилик фермер хўжаликлари сут махсулдорлиги ва тана вазнининг камайиши, бепушт қолиши, касалликни даволаш учун ветеринария харажатларининг ортиши ҳамда касал хайвонларнинг асосий подадан барвақт чиқарилиши ва мажбурий сўйилиши ҳисобига катта иқтисодий зарар қўймоқда. Шунинг учун бу касалликларни даволаш ва олдини олишнинг замонавий ҳамда самарадорлиги юқори бўлган усуллари ишлаб чиқиш ветеринария соҳасидаги долзарб муаммолардан ҳисобланади.

И.С.Коба (2009) маълумотларига кўра, сигирларнинг ўткир эндометритлар билан касалланишида иккиламчи омиллар - фаол мационнинг етишмаслиги ҳисобланади. Чунки сигирлар узок муддат бир жойда сақланганда факатгина 36,4% сигирларда сервис даврининг меъёрида кечиши кузатишган бўлса, сигирларнинг 40,0% да бачадоннинг турли даражада яллигланишлари қайд этилган. Шундан 50,0% сигирларда ўткир эндометрит, 28,5% сигирда тухумдонлар функциясининг бузилишлари кузатишган.

Ўткир эндометритлар билан касалланган сигирларнинг 91% ида тана ҳароратининг 0,5-1 °С гача кўтарилиши, юрак уришининг соғлом сигирларга нисбатан 1 дақиқда 10-15 мартагача тезлашиши характерли бўлган. Шунингдек, ўткир эндометрит билан касалланган сигирлар кдн шиллик, пардасини од шилимшиқ суюқлик қўлаши кузатишган.

Тадқиқотнинг мақсади. Республикаимизнинг қорамолчилик фермер хўжаликларида ва аҳолига қўлашли сигирлар орасида эндометритларнинг кенг тарқалганлигига қарамадан, касалликларнинг са-

баблари, барвақт ташхис қўйиш, даволаш ва гуруҳ, усулида профилактика қилиш чора-тадбирлари тўғрисида ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун биз сигирларда эндометритларнинг турлари ва кечиш хусусиятларини ўрганишни мақсад қилдик.

Тадқиқот объекти. Сигирларда эндометритларнинг турлари, кечиш хусусиятлари ва иқтисодий зарарини ўрганиш мақсадида Самарканд вилояти Пастдаргом тумани "Дўстлик" фермер хўжалигида 40 бош қизил-қўл зотига мансуб 5-6 ёшли сигирларда диспансер тадқиқотлар олиб борилиб, хўжаликдаги сигирларда клиник, гинекологик текширишлар ўтказилди.

Олинган натижалар ва уларнинг таъсири. Текшириш натижаларига кўра, хўжаликдаги 12 бош (30%) сигирларнинг бачадон касалликлари билан касалланганлиги аниқланди. Шундан 5 бош (41%) сигирлар ўткир йирингли-катарал эндометрит, 2 боши (17%) сурункали эндометрит, 3 боши (25%) яширин сурункали эндометрит, 2 бош (17%) сигирнинг сурункали катарал эндометрит билан касаллангани аниқланди.

Ўткир йирингли-катарал эндометрит билан 5 (41%) бош касалланган сигирларда ҳолатларини кайд этилиб, иштакиси пасайган, 2 дақиқада катта қориннинг қисқаришлари сони ўртача 2 мартагача камайган, тана ҳарорати ўртача 1-1,5 °С кўтарилган, юрак уриши сони 1 дақиқада ўртача 18-20 мартагача кўпайган, нафас сони 1 дақиқада ўртача 13-15 мартагача кўпайган, қучли ориқлаш, сут махсулдорлигининг 50% га камайганлиги кузатилди.

Ташки жинсий йўллардан зардобли-йирингли экссудат оқиши асосан эрталаб кузатилиб, сигирлар ётган жойнинг полига оққанлиги аниқланди. Касал хайвонда тез-тез сийдик ажратиш позасини қабул қилиш, белини букчайтириб туриш қайд этилиб, киндақлизи ва кинда патологик ўзгаришлар кузатилмади. Бачадон бўйинчаси ярим очик ҳолатда эканлиги, тўғри ичак орқали текшириш билан бачадон шохларининг катталашганлиги, уларда суюқликларнинг қайқалиши (флюктуацияси) аниқланди.

Сурункали эндометрит билан 2 бош (17%) касалланган сигирлар умумий ҳолати деярли ўз-

гармаган, тўғри ичак оркали текширилганда бачадон бўйнининг жуда йўгонлашганлиги, бачадон бўшлигида кўп микдорда йирингли экссудат тўпланиб қолганлиги аниқланди.

Яширин ўтадиган сурункали эндометрит сурункали катарал эндометритнинг бир тури ҳисобланади. Яширин сурункали эндометрит билан касалланган 3 бош сигирнинг (25%) умумий ҳолати деярли ўзгармаган. Тўғри ичак оркали ҳамда кин оркали текширишда ҳам меъёрдан ўзгаришлар кузатилмади. Касал сигирларда куйиқишлар орасидаги даврда клиник белгилар сезилмади ва хайвон куйиккан пайтида эса бачадондан одатдагидан кўра кўпроқ лойкаланган, баъзан йирингли экссудат аралашган суюқдик ажралиши характерли бўлди.

Яширин сурункали эндометрит билан касалланган сигирлар мунтазам куйикиб ва уруглантирилиб турилса-да, бўғоз бўлмайди. Бу турдаги эндометритда хайвонларнинг кисири қилиши жинсий йўлларида сперматозоидларнинг ҳаракатига тўсқинлик қиладиган шилимшиқ суюқликнинг ҳаддан ташқари кўп бўлиши ҳамда бачадондаги экссудатнинг сперматозоидларга ўлдирувчи таъсири билан изоҳдаш мумкин.

Сурункали катарал эндометрит билан касалланган 2 бош (17%) сигирларда ички текшириш ўтказилганда бачадондаги ўзгаришлар анча аниқ ифодаланди. Бу ҳол йиринг ҳосил қилувчи микро-организмларнинг фаолиятига боғлиқ бўлиб, касалланган сигирларда жинсий лабларнинг кўтарилиб турганлиги ва жинсий ёрик пастки бурчагининг жунларда, думнинг ички юзасида жигар ранг сарик йиринг қотмалар борлиги аниқланди.

Касал хайвонларнинг умумий аҳволи цоникарли бўлса-да, хайвон ҳолсизланиб, озиб кетади, иш-

тахаси ҳамда махсулдорлик пасаяди. Шунинг учун эндометритларга ўз вақтида диагноз қўйиш, хайвон учун оптимал шароит яратиш ва самарали даволашни ташкил этиш ветеринария мутахассислари фаолиятидаги энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Хулосалар: 1. Сигирларда эндометритларнинг турлари ва кечишини ўрганиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотларимиз натижасига кўра, "Дўстлик" фермер хўжалигидаги сигирларнинг 12 (30%) бошида бачадон касалликлари аниқланди. Шундан 5 бош (41%) сигирларда ўткир йирингли катарал эндометрит, 2 бош (17%) сигирларда сурункали эндометрит, 3 бош (25%) яширин сурункали эндометрит, 2 бош (17%) сигирларда сурункали катарал эндометрит аниқланди.

2. Сигирларда эндометритлар асосан ўткир ва сурункали равишда ва клиник белгиларнинг аниқ намоён бўлиши билан кечишидан ташқари яширин тарзда ҳам ривожланиб, бунда клиник белгиларни факатгина ички текширишлар ва хайвоннинг безпуштлигини эътиборга олиб, ташхисни асослаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Коба И.С. Профилактика и терапия эндометритов у коров // "Информлисток", 2003.

2. Панков Б.Г., Жаров А.В. Профилактика, фармакопрофилактика, ранняя диагностика, лечение клинических и скрытых эндометритов у коров. Методич. рекомендации утверждены Департаментом ветеринарии Минсельхоза РФ. (28.02.02. - № 13-5-02/9). - М., 2003.

- Азиз ҳдмасблар, барчангизни "Халқаро ветеринария кўни" билан самимий табриклайман. Республика Бош Давлат ветеринария инспектори ташаббуси билан ветеринария ходимлари конференциясининг "Туркистон" саройида тантанавор руҳда эътибордан, "Олтин



тулпор" танлови мукофотлари ўз эгаларини топганидан беҳад хурсанд бўлдим. Илоҳим, касбимиз байрами таъсис этилгани, соҳамиз нуфузи ортиб бораётгани рост бўлсин. Ветеринария шон-шўхрати бундан буён ҳам юқори бўлаверсин, - деди Сурхондарё вилояти Давлат ветеринария бошқармаси бошлиғи Алижон Менглиев.



Бугун банкдан қарз қўриб, қорвадор бўлаётган кишилар кўпайиб борапти. Паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик билан шуғулланаётган тадбиркорларимиз ҳам оз эмас. Бу жараёндан жуда хурсандмиз. Чунки уларнинг барчаси бизга мижоз бўлишапти. Ем махсулотига эҳтиёж ортиб борапти. Бундан ташқари, биз омухта ем олишга келганларга "Зооветеринария"га обуна бўлинг, дея тарғиб ҳам қиляпмиз, - дейди Тайлоц туманидаги Адам ҚФЙ ҳудудида жойлашган шохобча мудири Равшан Нарзиев.

Сардорбек олган суратлар